




# ФРАНЦИЯ ЎЗБЕКИСТОНГА ЕВРОПА



## ЛУВР МУЗЕЙИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси расмий ташрифи доирасида Маданият вазирлиги хузуридан Маданият ва санъатни ривожлантириш жамгармаси билан Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

### Маданият

Жамгарма ихрои директори ўринбосари Гаянз Умерова ва Лувр музейи директори Жан-Люк Мартинес иштирокида тузилган ушбу меморандум кўлпаб йўналишларда ўзаро алокарлари ривожлантиришин кўзда тулади. Ҳужжатда маданият ва санъат тариихи, музейшунослик, реставрация ва консервация соҳаларида илмий тадқиқатлари янада кучайтириш, Лувр музейи ҳамда Ўзбекистон Фанлар академисининг йёл Гуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти ҳамкор-

д. Йўлдошев.

### Адабиёт чегара билмайди

Дунё таъаддунида француз маданияти, хусусан, адабиётининг ўзига хос ўрни бор. Оноре де Бальзак асарларини бугун бутун дунёда китобхонлар севиб мутолаа қиласётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

### Изланиш

Айтиш лозимки, француз адабиарининг ўзига хос маҳорат билан билған роман, кисса, хикоя, шъер ва достонлари ўзбек китобхонлари маънавий хазинасидан ҳам муносиб ўрин егаллаган.

Эътиборли жиҳати, кейнги йилларда франциялик ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўғираётган мутархимлар сафи қенгайб бормоқда. Улардан бирни наманганлиги ёзувчи ва таржимон Рустамхон Умматовдир. Чорток туманида истиқомат қиласётган ижодкор томонидан сўнгти йилларда Александр Дюманинг

лигига ташкил этилган Франциянинг Буҳорадаги археологик экспедицияси қазиша мишлири натижаларини оммалаштириш, таҳкиба ва мутахассислар алмашинувини фаоллаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистоннинг тарихий меросига багишланган "Буқ Илак Йўлидаги таъаддунилар ва маданиятлар" номли кўргазма ташкил этилади.

Ушбу меморандум жамгарманинг ҳалқаро маданий алокарларини янада кенгайтиришига хизмат қиласди.

д. Йўлдошев.

### Биргаликда юксак парвоз

Мана, йигигма йилдирки, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар хаво йўллари орқали ҳам тобора мустаҳкамланяпти. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси дунёнинг йирин самолёт ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган "Airbus" компанияси билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Натижада авиакомпаниямиз парки ўнта замонавий "Airbus A320" ҳаво кемаси билан тўлдирилди.

Келгуси йилда эса яна иккита такомилашган "Airbus A320 Neo" самолёти кетирилиши кутимоқда. Янги ҳаво лайнери бир қатор кулаликларга эга. Жумнингдек, унинг Корпуси ўзига хос тарзда ишланган. Ёниғли "борасида сезиларли давраҳада тежамкор. Тўхтосиз учши масофаси 4,5 минг километрдан 6 минг километргача етади.

"Airbus" компанияси билан нафакат ҳаво йўналишида, балки авиаация ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш

бўйича ҳам қатор лойҳалар амалга оширияпти.

Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан Франция пойтахтига хафтасига иккита матта катнов ўйла кўйилган. Шунингдек, сайдёлук мавсумида эса Париждан Урганчга тўғридан-тўғри рейслар ҳам ташкил этилади.

д. УЛУГМУРОДОВ тайёрлади.

### Фикр

Давлатимиз раҳбарининг Франция Республикаси гафрий мөхмонлар китобига дастхат ёёб қолдириди.

Давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашиди. Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 60 йиллиги билан табриклиди. Ушбу сана муносабати билан

### «Ўзаро муносабатларнинг янги босқичида турибмиш»

Марк БОННЕЛЬ,  
"Авиценна-Франция"  
ассоциация  
президенти:



— Бизнинг ассоциация  
бутун Европада машҳур ва  
соглини сақлаш соҳаси-  
да мухим ўрингиз эга.

Кейнинг йилларда  
Ўзбекистоннинг очиқликка  
асосланган сиёсати, замо-  
навий масяд ва муддо-  
лари улкан имкониятлар юзага келтирияпти. Бу  
борада мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг та-  
шаббусларни юксак қадрлайман. Ибн Синонек да-  
хонинг Ватанида бугун яна улкан ўзгаришлар кузати-  
модида.

Дунё табобати ва замонавий тибиётдаги ютуқ-  
лар асосини сизнинг аҳоддининг номи билан боғ-  
ликлиги ҳам улкан шараф. Унинг шифорлик та-  
лимотини ўрганиш долзарбидир. Ибн Сино нафакат  
буоқ табиб, балки кўлпаб нодир фалсафий асарлар  
муаллифи ҳамидир. Катта мамнуният билан айта  
оламани, дунё ўзбекистон буоқ тархий шахса-  
лар ва ўмрас дурданорлар мамлакати сифатида  
қайта-қайта қашф қилиши учун кўлпаб сабаблар  
бор. Франция ҳам бугун ана шундай янги босқич-  
даги муносабатлар арафасида турибди.


Наталья  
ХАНЖЕНКОВА,  
Европа тикиланиш ва  
тараққийт банкининг  
Марказий Осиё ва  
Россия бўйича  
бошқарувчи  
директори:



— Ўзбекистон тақдим  
Франциянинг расмий  
таширифи доирасидаги йи-  
рик тадбир ва формуляр  
мамлакатнинг бизнеси са-  
лоҳининг француз иши-  
ларини доираларига тұла-  
түкис тақдим килиш имконини берди. Европа тики-  
ланыш ва тараққийт банки Ўзбекистон билан ҳам-  
корлик қилишдан манфаатдор. Утган йили даст-  
лабки олтига лойҳамизни имзолашга эришдик.  
Тошкентда официални оидик. Айни пайтада иқти-  
содий ислоҳотлари олиб бориш, инвестицияйи  
мухитни яхшилаш, хусусий шерилкни кўллаб-кув-  
ватлаш жараёнда иштирек этмиз. Бу борада  
ўзига хос таҳрибага этамиз.

Яна бир куонарли жиҳат, бундан иккита ҳафта  
одини бизнини директорлар кенгашимиз томонидан  
Ўзбекистонда келгуси беш йилга мўлжаллан-  
ган фоалият стратегиямиз тасдиқлади. Ендилик-  
да кичик бизнес вадибкорликни кўллаб-кув-  
ватлаш жараёнда иштирек этамиз.

Этьенн КОМЬЕ,  
журналист:



— Ўзбекистон — Фран-  
ция муносабатлари янги  
босқич кўтарилимоқда.  
Ўзбекистон Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг та-  
шариғидан кутилаётган  
асосий жиҳат ҳам айни  
мана шунда. Француз  
халқаро қириқчиликни  
тасдиқлайди. Франциядан  
ташириф буюрган турли соҳа  
вакиллари билан самимий  
учрашувлар уошибирлида.

Мамлакатнинг француз тили, тархий ва  
маданияти: анча машҳур эканлиги маълум. Бу ҳам  
Ўзбекистоннинг юксак таддудин ҳамда маданият-  
лар чорраҳаси эканлиги ифодасидир. Францияда  
Амир Темур даври тархига оид манбаҳарни қизи-  
киш юкори. Бу борада ҳам таддик қилиш зарур  
булаг масалалар кўл. Бу ўзаро муносабатларимиз,  
мўлжалларимизнинг мухим қисми саналади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ  
тайёрлади.



### Таълим

нобль, Ницца, София Анти-  
полис, Тулуза, "Бретань-  
сийод" каби университетлари,  
Шарк тиллари ва цивилиза-  
циялари Миллий институти,  
Тулуза шахридан сиёсий  
версаль шахридан Олий ар-  
хитектура мактаби ўртасида  
ҳамкорлик тўғрисидаги келиш-  
ув ва протоколлар имзо-  
ланган. Тошкент тўқимачи-  
лик ва ёнгил саноат инсти-

тути негизида Париж халқа-  
ро мода академияси филиа-  
лини ташкил килиш масала-  
лари бўйича музокаралар  
олиб бориляпти.

2015 йилдан бўён юрти-  
мизда фоалият ўртабайтган  
"Тошкент Француз Альянси"-  
ташкилоти қизиқувчиларга  
француз тилини ўргатиш,  
жамоатчиликка француз ма-  
даниятини таништиришга  
хисса кўшиб келмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,  
«Халқ сўзи» мубхари.




# ДАРВОЗАЛАРИНИ ОЧМОКАА

расмий ташрифи биринчи кунидаги мухим воқеалар:

юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совфа қилди.


• Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг ийрик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Унда "Тоталь", "Тоталь Эрен", "Орано", "Фивс Штейн", "Ранжис

Семмарис", "Винчи", "Суэц", "Сад", "Идемия", "Мерсие", "Талес Аления Спейс", Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ҳамда жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.




## АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ ҚИРОЛИ ЎРТАСИДАГИ МАКТУБЛАР НИМА ҲАҚДА ЭДИ?

Жаҳон тарихида Франция билан дўстона муносабатларимиз теран илдизларга эга эканини ифода этиувчи маълумотлар кўп учрайди. Хусусан, XV аср ўтларида Буюк Илак йўлнинг Гарб мамлакатларига олиб борувчи тармоғ турли низолар туфайли иккита ўтказди. Уша даврда Амир Темур турли соҳалараро алоқалар тикланишига шароит яратиб берди. Соҳибкороннинг Европа қироллари билан олиб борган мулокотлари орасида, айниқса, Франция қироли Карл VI билан ёзишмалари алоҳида тарихий аҳамиятга эга. 1394 ва 1399 йилларда Амир Темур хузурига келган Византия императорининг Константинополдаги мувони Франсуага Сандро ислми вакили ҳамроҳ бўлган. Сандронинг кўлида Генуянинг ҳомийси бўлган Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби бор эди.



Амир Темур Кўрагоннинг Франция қироли Карл VI га юборган номаси.

Амир Темурнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббуси Франция қироли томонидан



Франция қироли Карл VI нинг соҳибкорон Амир Темурга юборган номаси.

дан мамнуният билан қабул қилинган 1403 йил 15 июнда Карл VI нинг Соҳибкорон номига ўзлаган мактубида ўз ифодасин топади. "Яратганинг марҳамати билан франклар қироли Карл мудтарам ҳазрат ва музффар подшоҳ Темурбекка салом йўлайди ва тинчик тилайди" сўзлари билан бошланадиган мазкур мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш масаласига катта аҳамият қараратиди ва шундай сўзлар билан якунланади: "Биз сизнинг ишларини, фойдали таклифларингизни ёқабул қиласиз, имкони бор жойларда (уларга) барабор ва ундан ортиқроқ иштифот кўрсатишга вайда берамиз".

Амир Темур ём, Карл VI ём ўзаро дўстлик ва бирдамликдан ҳамда савдо бўйтими тувишдан манфаатдор бўлишганини мазкур мактублардан англаш мумкин. Академик Акамал Саидов ва Люсъен Керен ҳаммул-

лифтигидаги "Амир Темур ва Франция" асосида Венсан Фруньенинг Амир Темур ҳақидаги ушбу фикри қайд этилган: "Амир Темур мавзуи Гарбий Европада Клавихо ва Женкисон сафарномалари ёзлон қилинмасдан бўрун, шунингдек, Ибни Арабиҳо, Шарафиддин Али Язди сингари тарихиарнинг асарлари таржима қилинмасдан одан тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган".

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунёнинг турли мамлакатлар билан бўлгани каби Франция билан ём сисней, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатди. Шундай қилин, Амир Темур ва Карл VI томонидан тамал тоши ўзиган ҳамкорлик ҳамда бирдамлик муносабатлари бутунги кула иккича давлат ўртасида янги суръатда ривожланип бормоқда.

Хуршид ФАЙЗИЕВ,  
Темурнийлар тарихи  
Давлат музейи директори.

## Маданий алоқалар изчил ривожланмокда

### Грантларнинг доимий иштирокчиси

"Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамиятини Олий Мажлис хуруридаги жамоат фонди томонидан 2017 йилда ўтказилган грант лойиҳасини голиб бўлди. Бугунги кунда унинг доирасида сайёхлар учун "Гастрономик луғат" (ўзбек, рус, инглиз ва француз тилида)нинг мобил иловаси ривожлантиришга қарартилган қатор тадбирлар ташкил қилиниб, ОАВда кенг ёртиб бориляти.

Ўз навбатида, жамият вакиллари шу йил август ойида Швейцариянинг Цюрих шахридаги "Лурен таржимонлар йўй" томонидан ёзлон қилинган швейцариялик ёзувчиларнинг француз, инглиз ва немис тилларида ёзган асарларни ўзбек тилига таржима килингана ўйналтирилган халқаро конференцияда катнашиб, бадиён асарлар таржимасига ўйналтирилган стипендияларга жалб этилди. Колаверса, Франциянинг "Галлимард" ва "Фаллуа" нашиётлари билан имзоланган шартно-

малар асосида танланган асарлар ўзбек тилига ўйнираёт. Бу ём иккича давлат адабий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляти, албатта.

### «Кўхна қитъа»да ўзбекистонга қизиқиши катта

Юкорида айтиб ўтилгандек, бугун иккича давлат ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, бу борада халқ дипломатияси имкониятларини кенгайтириш масаласига алоҳида ўтибор қартилмоқда. Жамият аъзолари ўтган йил ноябрь ойидан Франциянинг Тур шахрида бўлиб ўтган "Тил ва маданият" фестивалида "Хорижликлар учун ўзбек тили" дарси, саҳна кўринишлари, миллий кўргазмаларни ўз ичига олган дастур билан иштирок этгани хам бунга мисол бўлади. Еки Ўзбекистоннинг Париждаги элчинонасида "Ўзбекистон – Франция" дўстлик алоқаларининг халқ дипломатияси ривожланишидаги ўрни"

мавзууда халқаро эксперталар иштироқида тадбир ташкил этилганни ём дикката сазовор. Долзарб мавзуга бағишланган мазкур тадбирда катнашган Европа парламенти аъзоси Партияси Лапонд, Франция Сенати аъзоси, Лекануз институти президенти Ид Поззо ди Борго, "IPSE" ўюшмаси таддикотчи, Европа геополитики асакадемияси бош ко-тиби Жан-Антуан Диоптра, маданий алоқалар бўйича таддикотчи Хабиб Фатхи Ўзбекистонда кейинги йилларда кузатилётган ўзгаришларга юкори баҳо бериш баробарида, иккича мамлакат ўртасидаги муносабатлар мутлако янги босқичда ривожланишига умид билдирилар. Мамлакатимиз дипломатик ваколатхонасида, шунингдек, Францияда таҳсил олайтган юртимиз бўшлари билан давра сувбати ўтказилади.

Жамият Франциянинг мамлакатимиздаги элчинонаси, "Франция Альянси" ва барча дўстлик жамиятлари билан ҳамкорлик алоқаларини изчил олиб боряпти. Республикаимизда бир канча маданий-маърифий инжуманлар ўтказмоқда.

Айниқса, француз ёзувчиси Люсъен Кереннинг "Амир Темур салтанати" асари кўргазмаси ва унинг таржими китоби таҳдимоти, Ле Клезионинг "Мондо" ва Француза Мориакининг "Илонлар комида" асари таржимони Ш. Минноваров иштирокидаги давра сувбати адабий соҳада олиб борилган аҳамиятга молик тадбирлардан бириди.

Ана шундай ишлар кўлами ва уларнинг ижоби натижаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкин, иккича давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар катори таълим, илм-фан, маданият, халқ дипломатияси соҳаларида хам юкори босқичга кўтарилимоқда. Келгусида бу борадаги савъ-харакатлар изчил давом этирилади.

Раҳима ШИРИНОВА,  
«Ўзбекистон – Франция»  
дўстлик жамиятини  
иҷроири директори,  
филология фанлари доктори,  
профессор.

